INSON MANFAATLARI — OLIY QADRIYAT
O'ZBEKISTON ADOLAT SOTSIAL DEMOKRATIK PARTIYASI
KUCH ADOLATDADIR
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2007 йил 3 август, жума № 32 (630)

ADOLAT

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан

ҚАДИМ КЕНТНИНГ КЎРКАМ ЖАМОЛИ

Президентимизнинг "Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори қадимий шаҳардаги тарихий обидаларни тиклаш, шаҳарни обод этиш ва халқ фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қутлуғ тўй муносабати билан янгидан барпо этилган ва замонавий типда таъмирланган тарихий иншоотлар қўшалоқ байрам — Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги ҳамда Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейи арафасида фойдаланишга топширилмоқда.

Жумладан, яқинда шаҳардаги тарихий обидалардан бири – "Пири Сиддиқ" мажмуаси тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Пири Сиддиқ мажмуасининг пайдо бўлишини пайғамбаримизнинг сахобаларидан бўлмиш ҳазрат Абубакр Сиддиқ авлодлари билан боғлайдилар. Ривоятларга қўра, бу ерда у кишининг набираси дафн этилган. Қабр устига ўша даврда, яъни VII аср охирларида мақбара қурилган. 1680-1702 йиллар оралиғида бу ҳудудда масжид, мадраса, миноралар бунёд этилган. Шўролар даврида бу даргоҳ қаровсиз қолдирилди.

– Гарчи бу жойлар улуғ бўлса-да, аввалари жуда ташландиқ эди, – дейди маҳалла оқсоқоли, меҳнат фахрийси Бадриддин ҳожи Фозилов. – Оллоҳга шукрлар бўлсинки, истиқлол шарофати билан қадамжолар обод бўлаяпти. Шулар қаторида бизнинг "Йурмадўз" маҳаллamиздаги "Пири Сддиқ" мажмуаси ҳам муқаддас қадамжога айлантирилди.

(Давоми 2-бетда)

ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси якунлари, сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциялари раҳбарларининг Спикер ўринбосарлари этиб сайланиши аҳоли, партиялар раҳбарлари ва аъзолари, депутатлар корпуси, шунингдек, мамлакатимиз ва хорижий олимлар, мутахассислар ва экспертлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Олий Мажлис қуйи палатаси томонидан қабул қилинган қарорлар парламентаризмни ривожлантиришнинг муҳим босқичи, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодий ҳамда ижтимоий қурилишда сиёсий партиялар ташаббуси, роли ҳамда масъулиятини ошириш борасидаги жиддий қадам сифатида кутиб олинмоқда.

Қонунчилик палатасининг Спикер ўринбосарларини сайлашга оид қарори Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал- демократик партияси – ЎзЛиДеп фракцияси ташаббуси билан қабул қилинди. Бунда мамлакат парламентининг энг катта фракцияси ўз қарорини "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонун қоидаларини босқичма-босқич, тизимли ва изчиллик билан амалга ошириш зарурати билан асослади. Ушбу қонун мамлакатимизда ижтимоий фаолликни ошириш, демократик ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришда сиёсий партияларнинг фаол иштирок этиши борасидаги ташкилий-ҳуқуқий шароитни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Маълумки, Конституциявий қонундан келиб чиқадиган кенг кўламли вазифаларни амалга оширишда сиёсий партияларнинг мамлакат парламентидаги фракциялари алоҳида ўрин тутади. Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан қабул қилинган ҳужжатнинг қатор нормалари олий қонунчилик органи қуйи палатасидаги партия фракцияларининг фаолиятига бағишлангани бунинг исботидир. Масалан, Конституциявий қонуннинг 3-моддасида, хусусан, "Қонунчилик палатасида тузилган сиёсий партия фракцияси ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга" экани белгилаб қўйилган. Бунда Спикер ўринбосарлари парламент қуйи палатаси қўмиталари аъзолари бўлиши ҳам мумкин.

Бу нормалар аввал амал қилиб келинган тартибдан кескин фарқ қилади. Эски тартибга мувофиқ Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари ўз вазифасини адо этиши пайтида сиёсий партияларга аъзолигини тўхтатиб турарди, фракциялар ва депутатлар гуруҳи таркибига кириши, қуйи палата қўмиталари аъзолари бўлиши мумкин эмасди. Фақат икки нафар – ЎзЛиДеп ва ЎзХДПдан бир нафардан депутат яқин вақтгача Спикер ўринбосарлари этиб сайланган эди. Ҳолбуки, бундай тартиб бугунги кун талабларига жавоб бера олмайди. Зеро, партиялар, уларнинг парламентдаги фракциялари ўтган вақт мобайнида амалий тажриба орттирди, сиёсий обрў ва етукликка эришди.

(Давоми 2-бетда)

Қишлоқ аҳлига совға

Избоскан туманидаги «Янгиобод» МФЙ ҳудудида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. ҚВП, шунингдек, замонавий тиббий асбоб-ускуналар, 5,5 миллион сўмлик қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди.

Тиббиёт муассасасида умумий амалиёт, ташхис, таҳлилхона, оналар ва болалар, эмлаш ва физиотерапия хоналари мавжуд. Мазкур масканга 10 нафар малакали тиббиёт ходими бириктирилди. Улар ҳудуддаги барча аҳоли, хусусан, ҳомиладор аёллар, кексалар ва болалар соғлиқларини мунтазам назорат қиладилар.

Врачлик пунктининг очилиш маросими катта тантанага айланиб кетди. Унда иштирок этган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи В.Ҳакимов, «Адолат» СДП туман кенгаши биринчи котиби Ю.Нишонова ва бошқалар янги тиббиёт маскани ҳукуматимиз томонидан аҳолига кўрсатилаётган доимий ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси эканлигини таъкидлашди.

Ўз мухбиримиз

Фракция йиғилиши

ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Адолат" СДП фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари баъзи нормаларининг амал қилиш муддатини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида"ги қонун асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг "Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари сайловини ўтказиш тўғрисида"ги ташаббуси ҳақида"ги қарори маъқулланди.

Йиғилишда мазкур қарорнинг қабул қилиниши сиёсий партиялар фракцияларининг Қонунчилик палатасидаги ролини оширишга, уларнинг парламентда мамлакат қонунчилик органи фаолиятининг мазмун-моҳияти ҳамда йўналишини белгилаб берадиган ҳаракатлантирувчи асосий куч сифатида шаклланишига хизмат қилади, деб баҳоланди. Жумладан, сўзга чиққанлар сиёсий партиялар фракциялари вакилларининг қуйи палата Спикери ўринбосарлари этиб сайланиши мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Фракция йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимига "Адолат" СДП фракциясидан, фракция раҳбари Дилором Ғафуржоновна Тошмуҳамедова номзоди тавсия этилди ва у қуйи палатанинг ялпи мажлисида ушбу лавозимга бир овоздан сайланди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Матбуот хизмати

Фаолларимиз

ИЖТИМОИЙ ВОҚЕАЛАР МАРКАЗИДА

Унинг одати шунақа – зарур иши чиқиб турганда ҳам ҳамсуҳбатига гапни "насия" қилиб ташлаб кетмайди. Суҳбатдошини сабр билан тинглашга, унинг кўнгил қатидаги чигалликларни, мақсад-муддаоларини билишга, ҳаётий позициясини аниқлашга интилади. Ўз фикру хулосаларини зўрлаб тиқиштиришга уринмайди. Муайян муаммога жавоб топишда "Хўш, сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?" дея суҳбатдошини мустақил фикрлашга ундайди. Шу тариқа ҳар бир фуқаронинг жамиятдаги шиддаткор жараёнларга оддий кузатувчи эмас, дахлдорлик ҳисси билан яшашига кўмаклашмоқчи бўлади.

Асли партия тарғиботчисининг энг катта мақсади ҳам шу – одамларда жамиятга нисбатан фуқаролик позицияси шакллантириш, ижтимоий-сиёсий янгиланишларда ҳамманинг ва ҳар бир кишининг иштирокини таъминлашдан иборат.

"Адолат" СДП Самарқанд туман Кенгаши аъзоси Хайрулло Узоқов шундай фикрлаши туфайли ҳам жамоадошларига, партия хайрихоҳларига таъсир ўтказиш қобилиятига эга.

(Давоми 2-бетда)

Бугуннинг одамлари

Ҳам фермер, ҳам тадбиркор

"Мадина-97" тикувчилик фирмаси нафақат балиқчида, балки вилоят ва республика миқёсида анчагина таниқли корхоналардан бири. Бу ерда ўқувчилар сумкалари, самбо курткалари, каратэ, дюздо, таэквандо кимонолари, теннис кортлари учун ҳимоя тўрлари сингари маҳсулотлар тайёрланиб, республикамизнинг кўплаб вилоят ва шаҳарларига жўнатилмоқда.

Аҳил жамоага тиниб-тинчимас, ғайратли тадбиркор аёл Оқибатхон Жакбарова раҳбарлик қилиб келаяпти. Ҳамқишлоқлари учун иш ўринлари яратишдек эзгу ниятда иш бошлаган тадбиркорга толе кулиб боқди. Бугун корхонада 150 нафар маҳаллий хотин-қизлар меҳнат қилишмоқда. Улар учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Айтганча, Оқибатхон Жакбарова 50,2 гектар майдонда фермер хўжалигини ҳам ташкил қилган. Унинг раҳбарлигидаги «Алп Равшан орзуси» фермер хўжалиги аъзолари барча шартномавий режаларни ортиғи билан уддалаб келишяпти. Бу йил мавжуд 17 гектар ердан 67,3 тонна сара дон йиғиб олинди. Ҳосилдорликнинг кутилганидан-да зиёд бўлгани фермер хўжалиги деҳқонларининг кўнглини чоғ қилиб, пахтачиликдан ҳам улкан хирмон яратишга ундаётир. Ана шу мақсадда улар ғўза парваришига астойдил киришишган.

– Бу имкониятларни биз-та мустақиллик берди, – дейди Оқибатхон Жакбарова. – Ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз, халқимиз фаровонлигига, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшишимиз лозим. Бир сўз билан айтганда, озодликнинг, истиқлолнинг қадрига етмоқ керак.

Оқибатхон опа қўли очиқ, сахий инсон. У корхонаси ҳудудида жойлашган 9-мактаб-интернатни таликка олган. Шунингдек, олийгоҳда шартнома асосида таҳсил олаётган қишлоқдаги икки оила фарзандларига ҳомийлик қилиб келмоқда.

Элим деб, юртим деб яшаган инсонлар ҳамиша рўшнолик кўришган, ҳеч қачон кам бўлишмаган. Зеро, халқимизда "Кўпнинг дуоси кўл" деган нақл бор. Сахий тадбиркор Оқибатхон Жакбарованинг фаолияти эса ушбу нақлнинг нечоғли ҳақиқат эканлиги тасдиғидир.

А.МАҲМУДОВ, "Адолат" мухбири

ИСТИҚЛОЛ СУВРАТИ

қалбимизда, Ватанга бўлган муҳаббатимиз сиймосида акс этади

Кечагидек эсимда (ўзим гувоҳ): 1991 йил, 31 август. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси. Минбарда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов:

"Мен бугундан эътиборан биринчи сентябрни жумҳуриятимизда Мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман".

...Қарсаклар, олқишлар... Ҳамма ўрнидан турган... Қувончлар, севинчлар... Юзларда, кўзларда шодлик-шодумонлик балқиб, дилларда, тилларда шукроналик лутфлари...

Ҳа, ўша кун, ўша соат, ўша лаҳзалардан бошлаб, халқимиз тинч ва осойишта йўл билан ўзининг азалий ҳуқуқига – ўз тақдирини ўзи белгилаб, ўзининг чинакам ҳуқуқий демократик давлати пойдеворига тамал тошини қўйди.

...Залда қарсаклару олқишлар ҳали тинганича йўқ эди. Президентимиз улуғ алломаларимиз – имом Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Мир Алишер Навоий каби даҳо бобокалонларимизни тилга олдилар. Назаримда, ўша кез, ўша он бутун Ўзбекистонни, ўзбекистонликларни, айни пайтда жуда катта юрак ва жуда катта журъат билан Мустақилликни эълон қилган юрт ўғлонини уларнинг руҳлари қўллаб-қувватлаётгандек бўлиб туюлди...

16 йил. Кўҳна тарих олдида бир оний фурсат... Лекин шу оний фурсат шодумонлиги мустақилликда ўтган 16 йил эркинлиги наъшу-намосидир. Шу шодумонлик, шу наъшу намо деб даврлар қаърида Тўмарис ўғлидан, Спитамен бошидан жудо бўлганди... Муқанна оловда ёниб, Мангуберди ўлим қучоғига ўз оёғи билан борганди... Ватаннинг, ҳа-ҳа Ватаннинг шаъни, шавкати, ори-номуси деб, истиқлоли ва озодлиги деб шундай қилишганди улар...

Туркий халқларда шундай ривоят бор: Хун ҳоқонига қўшни мамлакат подшосидан элчи келиб, таҳдид билан хазина талаб қилади. Гарчи, сарой аҳли ҳоқонга жанг қилишни маслаҳат беришига қарамасдан, у хазинани бериб юборади. Кўп ўтмай ўша подшодан яна элчи келади. У бу гал ҳоқондан қизи – Маликани талаб қилади. Аҳли аён дарғазаб бўлиб ҳоқонни жангга чорлайди. Аммо у бу сафар ҳам подшо талабини қондиради. Ой ўтар-ўтмас, ҳалиги элчи туркийлар юртига яна "қадам ранжида" қилиб, ҳоқондан мамлакат четидаги бир ҳудудни ўз мамлакатлари тасарруфига ўтказиб беришни сўрайди. Шундан сўнг ҳоқоннинг жаҳли чиқади ва дейди: "Ватанимиз ҳар бир қаричи мен учун муқаддас. Подшойингга бориб айт, мен унга ҳатто мамлакатим тоғидаги битта тошни ҳам бермайман... Бу жойлар боболаримиздан қолган мерос ва шу юрт фарзандлари, шу юрт набираларига қолажак..."

Табиийки, бу гал туркийлар жангни афзал кўрадилар... Қолаверса, Ватанни севмоқ туркий халқлар табиатига туғма хислат, жумладан, Ўзбек халқига ҳам!

Бир эсланг-а: Ҳиндистонга кетган Заҳириддин Бобур Андижондан келтирилган қовунни кўрганда юраги нечун жизиллаб кетган? Ёки буюк-буюк аллomаларимиз чет элларда бандаликни бажо қилишига кўзи етганларида, охирги васияти: "Суягимни Ватанимга олиб боринглар" – деган сўзлари маъносини чақиб кўрганмисиз?

Мўғул босқинчиларига қарши курашда бобокалонимиз Нажмиддин Кубро жасоратини ҳам эсланг: У мамлакат байроғини даст кўтариб, ёв билан яккамаяккa, юзма-юз жангга кириб, шаҳид бўлганида ҳам босқинчилар Кубро қўлидан байроқни олишолмайди...

Мана, Ватанга, унинг рамзи – Байроққа, Байроқ тимсоли – Мустақилликка орзу, ҳавас..., талпиниш, кураш...

Шу орзу, ҳавас, талпиниш ва курашларга биз ўтган асрнинг 90-йиллари бошидагина етишдик. Лекин биз уни сўраб олмадик, мустабидчилар қўлидан тортиб олдик. Ўша тортиб олинган кун – 1991 йил, 1 сентябрь – Катта йўлнинг бошланиши эди... Бошланган бу йўлнинг юки гоҳо оғир, машаққатли, сергалаён ва серташвиш кечган бўлса-да (Оллоҳга шукроналар бўлсин, ҳаммаси ортда қолди!), бугун, ўн олтинчи бор, унинг қутлуғ байрами арафасида турибмиз...

Публицистика

Ушбу сатрларни битаётиб, сўнгги кунларда ўзаро гурунгларда даврадошларимдан эшитган гап-сўзларни беихтиёр ёдимга олдим.

Олимжон ИСАЕВ, Тошкент шаҳри Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси ходими:

– Мана, мустақиллигимизнинг ўн олтинчи йили – Ижтимоий ҳимоя йилида яшаяпмиз. Ижтимоий ҳимоя дегани нима ўзи? Ўз ҳимматинг билан халққа кўмак берсанг, айниқса, муҳтожларнинг қадрини қилиб, мадад қўлингни унга чўзсанг, бу ҳам ижтимоий ҳимоя... Халққа неки қилсанг, демак, Ватанга ҳам қилганинг. Ошёним обод, тўқ, фаровон бўлсин, деганинг. Бир шоир айтган экан:

Кимда ўз юртига бўлмаса меҳр,
У қалбан шикаста. У қалбан мажруҳ...

Шу ҳақ гап!

Тошболта ЖЎРАЕВ, Тошкент Молия институти кафедра мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент:

– Ватан ғояси – яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам ҳаммага бирдек дахлдор ғоя. Бу ғояни одамлар қачонки, қалбан ҳис этганларидагина ўзларини "Мен шу Ватан фуқаросиман" деб айтишга ҳақли. Чунки, одам учун Ватандан улуғроқ маскан, улуғроқ гўша йўқ. У фақат кимдиги қони тўкилган юртда ўзини мағрур, хотиржам, бахтиёр ҳис эта олади...

Равшан САЛОЕВ, пенсионер:

– Бизга ота-онамиз, фарзандларимиз, набираларимиз, яқин хеш-акробаларимиз – ҳаммаси қадрли. Аммо, муҳаббат бобида барча тасаввурларимиз биргина "Ватан" отли сўз миқёси кўламига тенг келолмайди.

...Қаранг, илғаяпсизми, уч суҳбатдош талқинида ҳам Ватан, халқ, истиқлол суврати гўё юрак деворларига чизилаётгандек... Уччовининг ҳам сўзларида бир хил тушунча, бир хил мазмун, бир хил мантиқ: кимки ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани севолмайди?

Бу нима? Бу – Ватанга муҳаббат туйғуси! Муҳаббат сиймоси! Бу – она диёримиз ва халқимизнинг буюк Истиқлол суврати қалбимизда эканлигига ургу!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

«Адолат» газетасига 2007 йилнинг кейинги ойлари учун обуна давом этмоқда. Нашр кўрсаткичи — 100.
Газета "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг барча алоқа бўлимларида чакана савдода мавжуд.

ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун сиёсий партиялар, уларнинг мамлакат олий қонунчилик органидаги фракцияларининг фаоллигини, қонун ижодкорлиги самарадорлигини юксалтиришдаги ролини ошириш имконини берадиган қонунчилик базасини ташкил этишни ҳаётнинг ўзи тақозо этди. Ҳар қандай сиёсий партия, унинг парламентдаги фракциясининг кучи, жумладан, ҳокимиятнинг қонунчилик бўғинига кўрсатаётган таъсири, таклиф этилаётган қонун лойиҳалари самарадорлиги, уларни муҳокама қилиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш жараёни билан белгиланади. Демак, фракциялар фаолиятининг кучайишига қараб, унинг аъзолари мақоми ва фаоллиги ҳам ўсиши, уларнинг Ўзбекистон сиёсий тизимини модернизация қилиш бўйича қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этиш даражаси оширилиши даркор.

"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни 2008 йилнинг 1 январидан кучга киради. Шу сабабли Спикер ўринбосарларининг сайланиши ушбу қонуннинг сиёсий партиялар фракциялари фаолиятини ташкил этиш, жумладан, ижро ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнида уларнинг иштироки, қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш механизм ҳамда тартибини ривожлантириш билан боғлиқ асосий қоидаларини бугундан бошлаб тизимли, комплекс ва асосли тарзда амалга оширишга тайёрланиш имконини беради. ЎзЛиДепнинг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларини сайлаш борасидаги ташаббуси ҳам айнан ушбу ҳолат билан боғлиқ.

Қонунчилик палатаси Спикерининг янги ўринбосарларининг сайланиши Қонунчилик палатасидаги партиялар фракцияларининг ваколати ва имкониятини кенгайтириш билан бир қаторда парламент қуйи палатасида қарорлар қабул қилиш жараёнларини янада демократлаштириш имконини беради. Фракция аста-секин мамлакат олий қонунчилик органи фаолиятининг мазмун-моҳияти ва йўналишини белгилаб берувчи парламентнинг ҳаракатлантирувчи асосий кучига айланади. Муҳим ташкилий-ҳуқуқий ўзгаришлар электорат манфаатлари, партияларнинг дастурий кўрсатмаларини янада фаол илгари суриш, аҳоли ижтимоий фаоллигини оширишга туртки беради. ЎзЛиДеп, "Адолат" социал-демократик партияси, "Фидокорлар" миллий-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ-демократик партияси, "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Спикер ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги қарор қонун лойиҳалари, палата тасарруфидаги бошқа масалалар, реал кўп партиявийлик ва сиёсий фикрлар хилма-хиллигини ривожлантириш жараёнларида тобора кучайиб бораётган фракциялар ўртасида баҳслашиш ва кураш эътиборга олинган ҳолда қабул қилинди.

Ҳар қандай ҳуқуқ – бу аввало масъулият демакдир. Қонунчилик палатасида раҳбар лавозимини эгаллаш имконияти ҳар бир партиянинг ўз электорати, партия аъзолари олдидаги ва ўзларининг сайловолди дастурларини бажариш масъулиятини, қабул қилинаётган қонунлар сифатини янада оширади. Мамлакатимиз сиёсий партиялари, маълумотларга кўра, яқин вақт ичида Низомларига ўз аъзоларининг сиёсий маданиятини ошириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни чуқур ўрганиш, уларни ҳал қилиш йўлларини аниқлаш бўйича чораларни кўзда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни мўлжалламоқда. Сиёсий партиялар дастурларига ҳам тегишли равишда партия фракциялари ва уларнинг парламентдаги тузилмалари самарадорлиги ҳамда ҳамжиҳатлигини оширишга қаратилган қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Хорижий экспертларнинг таъкидлашича, Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши туфайли сиёсий партиялардан ҳокимиятнинг марказ ва жойлардаги вакиллик органларига тақдим этилган депутатлар бирлашмаларининг роли ҳам ўзгармоқда. Чунки айнан улар сиёсий партия ва ҳокимиятнинг вакиллик органи, халқ ва қонун ўртасида боғлаб турувчи бўғин ҳисобланади. Сиёсат, иқтисодиёт, маданият соҳасида рўй бераётган туб ўзгаришларда сиёсий партияларнинг мавқеи ортиб бораётгани ҳисобга олинадиган бўлса, депутатлар бирлашмалари ўзгаришлар локомотивига айланиши ва ҳар қандай сиёсий партия диққат марказида бўлиши табиий. Бошқача айтганда, фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларда иштирок этиши муайян даражада депутатлар бирлашмалари фаолиятига ҳам боғлиқдир.

(ЎзА)

ҚАДИМ КЕНТНИНГ КЎРКАМ ЖАМОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шаҳардаги "Очиқ осмон остидаги музей" деб аталмиш Саид Аҳмад Хўжа мадрасасининг тубдан таъмирланиб, миллий ҳунармандчилик марказига айлантирилгани катта воқеа бўлди. Бу иншоот 1870-1875 йиллар оралиғида марғилонлик йирик савдогарлардан бири Хўжа Саид Аҳмад эшоннинг шахсий маблағлари ҳисобига қурилган. Пахта тозалаш ва ёғ заводлари эгаси бўлган, ўлкага саноат корхоналарини олиб келиш ишига биринчилардан бўлиб киришган бу маърифатпарвар тадбиркор маҳалласидаги болаларнинг илм-маърифатли бўлишини истаб, шу савобли ишга қўл урган.

Узоқ йиллар қаровсиз қолган мадраса ва масжид бинолари яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. 1993 йилда бу иншоот қисман таъмирланиб, шаҳар ҳунармандлари ихтиёрига берилди. Президентимизнинг "Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори асосида бу мажмуа мукаммал таъмирланди ва миллий ҳунармандчилик марказига айлантирилди.

Бундан ўн йил муқаддам шаҳардаги ҳунармандлар уюшмасига 210 нафар аъзо бирлашган бўлса, айни пайтда уларнинг сони 1500 нафардан ортиб кетди. Бу мустақиллик йилларида халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга жиддий эътибор берилаётганлигининг, уста ва шогирдларга ҳамма шарт-шароитлар яратилганлигининг нишонаси.

– Мен устозодалар изидан бораётган ҳунармандман, – дейди Муҳаммаджон Каримов. – Ёдимда, собиқ шўролар тузуми даврида ҳунармандлар тирикчилик қилишлари жуда қийин эди. Маҳсулотни тайёрлашнинг ўзи бир қийин, уни сотиш эса ундан-да мушкул эди. Шукрки, бугун ҳунармандлар учун барча имкониятлар яратилган.

Марғилоннинг қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган қурилиш, мукаммал таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари замонавий талаблар асосида амалга оширилаётганинг тасдиғи сифатида янгидан бунёд этилган шаҳар ФҲДЁ бўлими биносини кўрсатиш мумкин. Унинг фойдаланишга топширилишига бағишланган тантана кунида муҳташам бинода шаҳардаги тўрт нафар янги оила расмий никоҳдан ўтди.

Замонавий "Ёшлик" сув ҳавзаси нафақат Марғилон, балки Фарғона водийси ёшлари учун ҳам муносиб армуғон бўлди. Бу муҳташам спорт иншооти Президентимиз ва давлатимизнинг спортнинг оммавийлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган амалий ишларнинг узвий давоми бўлди.

Хуллас, узоқ ўтмишга эга бўлган қадим Марғилон шаҳри бугун яшнамоқда, яшармоқда. Истиқлол шукуҳидан баҳраманд бунёдкор халқ қутлуғ тўйга қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

А.МАҲМУДОВ, М.АБДУРАҲМОНОВА

А.РАҲМОНОВ олган суратлар

Суратларда: бугунги гўзал Марғилон манзаралари.

Сиёсий партиялар фракциялари вакилларининг

СПИКЕР ЎРИНБОСАРЛАРИ

этиб сайланиши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим қадамлардан бири бўлди

Дарҳақиқат, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари давлатимиз раҳбари раҳнамолигида парламентимиз томонидан "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун қабул қилингандаёқ ана шундай хулосага келганди. Зеро, Конституциявий қонун эълон қилингунга қадар Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари палата қўмиталари таркибига сайланиши, фракциялар ва депутатлар гуруҳлари таркибларига кириши мумкин эмас эди. Ҳатто ўз вазифасини адо этиш давомида сиёсий партияларга аъзолигини ҳам тўхтатиб туришарди. Қонун қабул қилингач, демократик тамойилларга кўра, аввалги амалиётдан фарқли ўлароқ, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари Спикер ўринбосарлари этиб сайланиши, қўмиталар аъзолари бўлиши ва улар ишида фаол иштирок этишлари мумкин бўлди.

Бу борада Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари сайловини ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бу ҳақдаги қарори ҳам айни муддао бўлиб чиқди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари, энг аввало, шуни алоҳида таъкидлайдиларки, Конституциявий Қонун асносида қабул қилинган ЎзЛДП фракцияси депутатларининг ташаббуси ҳам, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг қарори ҳам – эндиликда сиёсий партиялар фракцияларининг Қонунчилик палатасидаги ролини юксалтиришга, парламентда соғлом, қизғин рақобатни жонлантиришга, қонун ижодкорлиги самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Айни пайтда палатада раҳбарлик лавозимига сайланган ҳар бир партия раҳбарининг ўз электорати олдидаги масъулиятини ҳам оширади.

Аслини олганда, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – ЎзЛДП фракциясининг ташаббуси ўз-ўзидан келиб чиққан эмас. Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Қонунчилик палатасига киритилган ва қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни 2008 йилнинг 1 январидан кучга киради. Шу сабабли Спикер ўринбосарларининг сайланиши ушбу қонуннинг сиёсий партиялар фракциялари фаолиятини ташкил этиш, жумладан, ижро ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнида уларнинг иштироки, қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш механизм ҳамда тартибини ривожлантириш билан боғлиқ асосий қоидаларини бугундан бошлаб тизимли, комплекс ва асосли тарзда амалга оширишга тайёрланиш имконини беради. ЎзЛиДепнинг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларини сайлаш борасидаги ташаббуси ҳам айнан ушбу ҳолат билан боғлиқ.

Қонунчилик палатаси Спикерининг янги ўринбосарларининг сайланиши Қонунчилик палатасидаги партиялар фракцияларининг ваколати ва имкониятини кенгайтириш билан бир қаторда парламент қуйи палатасида қарорлар қабул қилиш жараёнларини янада демократлаштириш имконини беради. Фракция аста-секин мамлакат олий қонунчилик органи фаолиятининг мазмун-моҳияти ва йўналишини белгилаб берувчи парламентнинг ҳаракатлантирувчи асосий кучига айланади. Муҳим ташкилий-ҳуқуқий ўзгаришлар электорат манфаатлари, партияларнинг дастурий кўрсатмаларини янада фаол илгари суриш, аҳоли ижтимоий фаоллигини оширишга туртки бераётган ҳозирги даврда

Хориж хабарлари

Россия

Иқтисодий юксалиш

Россия иқтисодий ўсишда Италияни ортда қолдирди, яна икки йилдан кейин Франциядан ҳам ўзиб кетади.

Бу ҳақда мамлакат Молия вазири Алексей Кудрин I Тинч океани иқтисодий конгрессида маълум қилди. "Новости" ахборот агентлиги маълумотларига кўра, бу 2012 йилда Приморье ўлкасида бўлиб ўтадиган Осиё-Тинч океани иқтисодий кенгаши форуми олдидан ўзига хос тайёргарликдир. Форум ўтказилиши учун шаҳарга 100 миллиард рубль ажратилган.

Алексей Кудрин, шунингдек, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажмини ошириш бўйича ҳам мавжуд режаларни баён этган. Унинг айтишича, Россия 2013 йилга бориб ялпи ички маҳсулот кўрсаткичини икки баравар ошириши мумкин.

Буюк Британия

Ёзнинг таҳликали ёмғирлари

Англияда ёғаётган ёмғирлар Қироллик ҳудудида тахминан икки асрдан буён қайд этилмаган рекорд даражага етди.

"Guardian" газетасининг ёзишича, ёмғирлар ўртача мавсумий кўрсаткичдан ҳам ошиб кетган. Ноқулай об-ҳаво шароити мамлакат электр тизимининг уч баравар катта қувват билан ишлашига олиб келди. Негаки, кундуз кунлари ҳам идораларда чироқ ёқишга тўғри келмоқда.

Кучли ёмғирлар 32 та графликда сув тошқинларига сабаб бўлди. Иқлимшуносларнинг таъкидлашларича, глобал иқлим ўзгаришлари кузатилаётган пайтда бундай ёғингарчиликлар тез-тез кузатилади. Мутахассислар кучли ёмғирлар август ойи бошида ҳам давом этишини айтишмоқда.

Ирок

Янги лойиҳа

АҚШ конгресси қуйи палатасининг қуролли кучлар ишлари бўйича қўмитаси мамлакат президенти Жорж Бушдан Америка ҳарбийларини Ироқдан олиб чиқиш стратегиясини тайёрлашни талаб қилувчи қонун лойиҳасини маъқуллади.

Қонун лойиҳасида кўрсатилишича, Оқ уй мазкур қонун кучга киргач 60 кундан сўнг ҳарбийларнинг Ироқдан чиқарилиши режасини тақдим этиши лозим. Шунингдек, қонун лойиҳасида америкалик ҳарбийларнинг фуқаролик урушидан ҳимояланган бўлиши, улар томонидан амалга оширилувчи операциялар эса, биринчи навбатда, террорчиларга қарши қаратилиши лозимлиги таъкидланган.

Ушбу ҳужжат кўриб чиқиш учун келгуси ҳафтада тўла таркибдаги вакиллар палатасига тақдим этилади.

Хитой

Таксичилар соқол қўймасин!

Хитой ҳукумати қарорига асосан мамлакатда эркакларнинг сочини олган ҳолда автомобиль бошқаришлари тақиқлаб қўйилди.

Мазкур тадбир яқинлашиб келаётган ёзги Олимпиада ўйинлари муносабати билан жорий этилди. Шунингдек, мазкур қарор такси ҳайдовчиларининг соқол ўстиришларини ҳам ман этди.

Икки ой аввал аёллар учун ҳам шунга ўхшаш қонун қабул қилинган эди. Унга кўра, аёлларнинг ғайриоддий соч турмаклаб юришлари, ёқимсиз кийимда ва зиракларда автомобиль бошқаришлари тақиқланганди. Ҳукумат вакилларининг фикрича, бу тадбирлар шаҳар меҳмонларида яхши таассурот уйғотиш мақсадида амалга оширилмоқда.

Шимолий Корея

"Кичик заҳарланиш"

МАГАТЭ инспекторлари радиоктив заҳарланиш мавжудлигини аниқлашди.

Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) мутахассислари КХДРдаги иккита ядро объектда радиоктив заҳарланиш белгиларини аниқладилар, деб хабар беради Япониянинг "Киодо" агентлиги. "Кичик заҳарланиш"нинг тафсилотлари аниқ эмас, аммо бу атроф-муҳитга жиддий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Радиоактив заҳарланиш Пхеньяндан 90 километр узоқликда жойлашган Йонбен ядро марказидаги иккита объектда аниқланган. Булар 5 мегаватт кучланишга эга ягона реактор (бу реактор ҳозир тўхтатилган) ҳамда ишлатилган ядро ёнилғисини қайта ишловчи заводлардир.

Фотофакт:

Қоғоз кўприк 20 кишини кўтара олади

Францияда қоғоздан кўприк барпо этилди.

Сиз суратда кўриб турган мазкур кўприкни "яшил" технологиялар тарафдори япо-



ниялик архитектор, ихтирочи Сигеру Бан қоғоздан бунёд этган. У ҳар бирининг диаметри 11,5 сантиметр, қалинлиги 11,9 миллиметр бўлган 281 та картон трубасидан ясалган. Зинапоялар қоғоз ва пластмасса ёрдамида қолипланган, пойдевор эса кум тўлдирилган ёғоч қутидан тайёрланган.

Франция жанубида жойлашган Гардон дарёси устида қурилган ушбу пиёдалар кўприги бир вақтнинг ўзида 20 кишини кўтара олади. Кўприк олти ҳафта ишлайди, кейин ёмғирлар мавсуми бошланиши муносабати билан қисмларга ажратиб, олиб қўйилади.

Сербия

Косова келажаги учун

Бельград Косованинг ўз-ўзини бошқариш масаласини муҳокама этишга тайёр.

Сербия ташқи ишлар вазири Вук Йеремич Бельграднинг Косова келажаги ҳақидаги музокараларни қайта бошлашга тайёр эканлигини маълум қилди. Йеремич Сербия косовалик албанларга энг катта миқёсдаги ўз-ўзини бошқариш имкониятини таклиф этишга тайёрлигини таъкидлади. Лекин у ғарб мамалакатларининг БМТ Хавфсизлик Кенгашига тақдим этган Косова бўйича резолюция лойиҳасини танқид қилди.

Эслатиб ўтамиз, яқинда Сербия ташқи ишлар вазири ҳамда АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс ўртасида музокаралар бўлиб ўтган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Хизмат

«Тошавтобустранс»:

ЯНГИЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА

Истиқлол йилларида республикамизда транспорт-коммуникация тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Тизимни модернизациялаш борасида қилинган ишлар самараси ўлароқ, бугун аҳолига, жумладан, пойтахтимиз аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш сифати тубдан яхшиланди.



"Тошавтобустранс" акциядорлик компанияси истиқлол йилларида 576 та "Мерседес-бенц", 107 та "Исузу", 190 та "Отайўл" каби автобус ва мини автобусларини харид қилди.

"Тошавтобустранс" акциядорлик компанияси томонидан деярли яроқсиз ҳолга келиб қолган эски автобуслар ўрнига жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган "Мерседес-бенц" русумли кўп ўринли, "Отайўл", "Исузу" русумли мини автобуслар қатнови йўлга қўйилгани кўпчиликнинг эътибори ва эътирофига сазовор бўлди. Компания қисқа вақт ичида йўловчи ташиш тизимини яхшилаш мақсадида 576 та "Мерседес-бенц", 107 та "Исузу", 190 та "Отайўл" каби автобус ва мини автобусларини харид қилди. Кези келганда таъкидлаш керакки, замонавий автобуслар йўловчиларнинг айтган манзилига қисқа вақтда етказиб бориш билан бирга, салонлари тоза, озода ва кенглиги, йўловчи ҳамда ҳайдовчиларга қулайлик яратаётгани билан ҳам барчага маъқул тушмоқда. Айни пайтда компания тизимидаги автокорхоналар томонидан 161 та йўналиш бўйича йўловчиларга хизмат кўрсатилмоқда. Иш кунларининг тиғиз вақтларида эса 1180 та автобус йўловчи ташишга жалб қилинмоқда. Бошқача қилиб айтганда, бир кунда 15 минг 858 марта қатнов амалга оширилаётир. Бу 1 миллион 800 минг нафар йўловчининг узоғини яқин қилмоқда.

– 127 та автобус йўналиши ва 34 та йўналишли такси пойтахтимиз аҳолиси ҳамда меҳмонларга хизмат кўрсатмоқда, – дейди "Тошавтобустранс" акциядорлик компанияси бўлим бошлиғи Ҳабибулла Исматуллаев. – Автотранспорт воситаларининг техник жиҳатдан созлигини таъминлаш мақсадида Сервис хизмат кўрсатиш маркази ташкил этилган. Марказ замонавий таъмирлаш ускуналари билан тўлиқ жиҳозланган бўлиб, автобус ва мини автобусларни таъмирловчи малакали мутахассислар жалб қилинган. Шу ўринда айтиш лозимки, ишчи-ходимларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга эътибор қаратаётганимиз хизмат кўрсатиш сифатини яхшиланишига ҳисса бўлиб қўшилмоқда: 3058 нафар ҳайдовчи ва 1100 нафар чиптачига ойлик маошлар ўз вақтида берилаяпти. Фидокорона меҳнат қилиб, кўпчиликка ибрат бўлаётган ишчи-ходимлар рағбатлантириб борилаяпти. Яқинда барча йўналиш сардорлари ва соҳа мутахассислари иштирокида жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари муҳокамаси ва иккинчи ярим йилликда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Унда илғор йўналиш сардорлари ва ҳайдовчиларнинг 30 нафарига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Айтганча, автокорхоналардаги тиббиёт ва техника назорати бўлимларида ҳар куни ишга чиқаётган ҳайдовчиларни, тиббий кўрик ҳамда автобусларни техник назоратдан ўтказилаётгани йўловчиларнинг айтилган манзилга соғ-саломат етказишда муҳим омил бўлмоқда.

– Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан республика миқёсида ўтказилаётган "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" тадбирларида ишчи-ходимларимиз фаол иштирок этишмоқда, – дейди компаниянинг ҳаракат хавфсизлиги бўлими бошлиғи Фарҳод Ниғмонов. – Бундан ташқари, ҳайдовчилар ўртасида йўловчиларни омон-эсон манзилига етказишда ҳушёрлик ва сергаклик ниҳоятда муҳимлиги хусусида тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Яна бир гап: ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда, энг аввало, йўловчи ташийдиган техникаларнинг созлиги муҳим рол ўйнайди. Самарқандда ишлаб чиқарилаётган "Исузу" автобуслари техник жиҳатдан мукаммаллиги, салонда ҳайдовчига ҳам, йўловчиларга ҳам қулай шароит мавжудлиги, қолаверса, ёқилғи кам сарфланиши ва бошқа қулайликлари билан ажралиб туради. Энг муҳими, бу автобус йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлашда бошқалардан анча устун. Шунинг учун келгусида ўзимизда ишлаб чиқарилган ана шу автобусларни кўпроқ харид қилишни режалаштиряпмиз.

Бир кунда 15 минг 858 марта қатнов амалга оширилиб, 1 миллион 800 минг нафар йўловчининг узоғини яқин қилмоқда.



127 та автобус йўналиши ва 34 та йўналишли такси пойтахтимиз аҳолиси ҳамда меҳмонларга хизмат кўрсатиб, иш кунларининг тиғиз вақтларида 1180 та автобус йўловчи ташишга жалб қилинаяпти.

Йўловчиларга 3058 нафар ҳайдовчи ва 1100 нафар чиптачи хизмат кўрсатаяпти.

Дарвоқе, компания ва унинг тизимидаги автокорхоналарда ҳукуматимиз ва Президентимизнинг бу борада қабул қилган қарор ва фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида изчиллик билан чора-тадбирлар олиб борилмоқдаки, бу хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга, соҳада ўзгариш ва янгиланишлар рўй беришига хизмат қилмоқда.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
«Адолат» мухбири

Қилмиш – қидирмиш

ХАРИДОР ҲУШЁР БЎЛСА...

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Бу имкониятлардан самарали фойдаланаётган ишбилармонлар ҳам ўз оилавий бюджетини яхшилаяпти, ҳам солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаб давлатга фойда келтираяпти.

Самарқанд туманида сабзавотчилик, ғаллачилик ва боғдорчиликни ривожлантиришда фермерлик ҳаракати яхши натижа бермоқда.

Олимжон Ҳамроқулов бошлиқ фермер хўжалиги аъзолари сабзавотчиликда интенсив технологияларни қўллаб, бозорни мўл, арзон ва сифатли маҳсулот билан таъминлаб келмоқда. 20 гектардан ортиқ майдонда деҳқончилик қилаётган фермер хўжалиги аъзолари пишиқчилик мавсуми бошлангандан буён бир неча ўн тонна ҳосилни харидорларга етказиб берди.

Суратда: фермер Олимжон Ҳамроқулов (ўнгда биринчи) жамоа аъзоси Равшан Бурхонов билан сабзавот пайкалини кўздан кечирмоқда; дала саховати – деҳқон меҳнати самараси.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ олган суратлар.

Қолаверса, аҳолини иш билан таъминлашга ҳисса қўшишмоқда. Бироқ айрим уддабуронларнинг билса ҳазил, билмаса чин қабилида иш тутиб, қонунларни четлаб ўтган ҳолда мўмай даромад олишга ҳаракат қилаётгани ташвишланарли ҳол.

Жорий йилнинг дастлабки беш ойида ўтказилган текширишларда айрим фуқароларнинг қонунбузарликларга қўл уришгани маълум бўлди. Хусусан, тумандаги Навоий номли фермерлар уюшмасида яшовчи Хуршид Жўраев давлат рўйхатидан ўтмаган хусусий ошхонасида катта миқдордаги спиртли ичимликларни махсус рухсатномасиз сотаётганида қўлга тушди. Туманнинг "Далварзин" фермерлар уюшмасининг 2-бўлимида яшовчи Қобил Холматовнинг хатти-ҳаракатлари эса ҳаммасидан ошиб тушди. У ўз хонадонида санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган ҳолатда қўлбола ароқ ишлаб чиқариб, мунтазам равишда сотиб келган. Унинг хонадони кўздан кечирилганда, 126 шиша ҳар хил ҳажмдаги спиртли ичимликлар ва ароқ тайёрлайдиган ускуналар борлиги аниқланди.

Дарвоқе, хуфёна савдо қилиб қонунбузарликларга йўл қўйган уддабуронлар солиқ ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан ўз вақтида фош қилиниб, жазосини олмоқда. Бироқ, масаланинг яна бир жиҳати бор: аёнки, қўлбола спиртли ичимликлар инсон саломатлигига жиддий зиён етказади. Шунинг учун ҳар бир фуқаро истеъмолчи сифатида харид қилган маҳсулотининг сифати, истеъмолга яроқлилигини текшириб олса, айни муддао бўларди.

С.ХОЛБЕКОВ,
Бекобод туман ДСИ бошлиғи

Сўраган эдингиз?

Суд қарори бажарилмаса...

Биздан минерал ўғит олиб, пулини белгиланган муддатда тўламаган фермерларни вилоят хўжалик судига бердик. Суд фойдамизга ҳал қилув қарори чиқариб, масъул банкларга суд қарори назоратида бўлган инкассация топшириқномаси берилди. Лекин бу қарор банклар томонидан бажарилмаяпти. Сабабини сўраганимизда ҳар хил баҳоналарни рўкач қилишмоқда...

Ж.РЎЗИЕВ,
Қашқадарё вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" ҲЖ Шаҳрисабз туман филиал раҳбари

Хўжалик процессуал кодексининг 14-моддасига кўра, хўжалик судлари ҳал қилув қарори, ажрим, қарор, суд буйруғи шаклидаги суд ҳужжатларини қабул қилади. Суднинг қонуний кучга кирган ҳужжати барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этилиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Банк ёки бошқа кредит муассасаси пул маблағини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатини (ижро варақасини) ижро этмаганлиги учун ХПКнинг 218-моддасига асосан хўжалик суди томонидан ундирилиши керак бўлган сумманинг 50 фоизигача миқдорда жарима солинишига, мансабдор шахснинг ажрим ёки қарорнинг қасддан бажармаслиги ёхуд унинг бажарилишига тўсқинлик қилиши Жиноят Кодексининг 232-моддаси билан жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Дилшод АБДУРАУПОВ,
Адлия вазирлиги Суд департаменти бўлим бошлиғи

БЕТАРАФ АЛП ЎЛКАСИ

Жаҳонга ўзининг дунё банклари, бетакрор табиати ва сайёҳлик масканлари билан машҳур Швейцариянинг айни шу ном остида тарих саҳнасида пайдо бўлганига 716 йил бўлди

Қадимда Гельвеция номи билан машҳур бўлган мазкур минтақа XIII асргача Рим империясига қарашли бўлган. 1291 йилнинг 1 августида Швиц, Ури ва Унтервальден кантонлари империя таркибидаги Швейцария конфедерациясига асос солишади. Ушбу сана ҳозирга қадар давлат ташкил топган кун сифатида нишонлаб келинаётир.

Бугунги кунда Алп ўлкаси ривожланган давлат сифатида тилга олинади. Швейцариянинг бетарафлик сиёсатини юритгани ва бу ҳозиргача муваффақиятли амалга оширилаётгани унинг ҳар томонлама равнақ топишига хизмат қилди. Бошқача айтганда, ҳозирги кунда у дунё сиёсатига аралашмай туриб дунё мол-дунёсига эгалик қила бошлади.

Швейцариянинг бошқарув тизими узоқ тарихдан бери турли ўзгаришларга учраб келаётган бўлиб, айрим жиҳатлари билан бошқа давлатларникидан фарқ қилади. Маълумки, дунё мамлакатлари сайлов тизимида президент 4, 5 ва 7 йиллик муддатга сайланади. Лекин Алп ўлкасида давлат раҳбари Федерал Мажлис томонидан фақат 1 йил муддатга сайланади ва қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали Федерал Мажлис (Миллий кенгаш ва Кантонлар кенгаши)дан иборат. Ҳар бир кантоннинг ўз конституцияси, парламенти ва ҳукумати мавжуд.

Мамлакатда турли каттакичик партиялар жуда кўп. Улар орасида Социал-демократик партия, Халқ партияси, Радикал демократик партия ва Христиан-демократик партия айни пайтда давлат сиёсатида етакчи ўринга эга. Кейинги йилларда мамлакат ҳаётида социал-демократларнинг нуфузи тобора ошиб бораяпти. 2007 йил январидан давлатни бошқараётган Мишлин Кельми-Рей ҳам шу партия аъзоси. Бу пайтгача ташқи ишлар вазирлигида ишлаган Мишлин Кельми-Рей мамлакат тарихидаги иккинчи президент аёл ҳисобланади. Шуниси эътиборлики, Швейцарияда 1971 йилга қадар аёллар сайлов ҳуқуқига эга бўлишмаган. Баъзи кантонларда эса ҳатто 1991 йилга келибгина аёлларнинг сайловлардаги овози инобатга олина бошланди.

Швейцария – Марказий Европада жойлашган федерал республика.
Майдони – 41,3 минг километр квадрат.
Аҳолиси – 7,3 миллион киши (2002).
Пойтахти – Берн шаҳри.
67,7 фоиздан кўп аҳолиси шаҳарларда истиқомат қилади. 44,4 фоиз аҳоли саноатда, 5,7 фоизи транспорт, 16,2 фоизи банк, савдо ва суғурта тармоқларида ҳамда 4,5 фоиз киши эса меҳмонхона ишларида фаолият юритади. Дунёда ишлаб чиқарилаётган соатнинг иккидан бир қисми Швейцария ҳиссасига тўғри келади.

Мамлакат тўртта давлат тили (немис, француз, итальян, ретороман)га эга эканлиги билан ҳам диққатга сазовор. Чунки Алп ўлкасида турли тилда сўзлашувчи тўртта халқ яшайди. Аҳолининг асосий қисми германшвейцарияликлар бўлиб, 4,3 миллионга яқин кишидан иборат. Улар асосан марказда ва мамлакатнинг шарқида истиқомат қилади. Мамлакатнинг ғарбий қисмида яшайдиган француз-швейцарияликлар 1,3 миллион кишини ташкил этади. Жанубий кантонларда итальян-швейцарияликлар жойлашган бўлиб, уларнинг сони 200 мингга яқин. Нисбатан кам сонли ретороманлар эса асосан тоғли ҳудудларда истиқомат қилишади.

Алп ўлкаси сўлим табиати, тоғ ва ўрмонлари билан доимо дам олувчиларни ўзига жалб қилиб келган. Мамлакат ҳудудининг 24 фоизи ўрмонлардан иборатлиги ҳам унинг ҳавоси мусаффолигидан дарак боради. Шу сабабли бу ерга йилига ўртача 7 миллион сайёҳ ташриф буюради.

Швейцария ва Ўзбекистон ўртасида 1992 йил 7 майдан эътиборан ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1999 йилдан бошлаб республикамизда «Ўзбекистон-Швейцария» дўстлик жамияти фаолият юритиб келмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда. 2003 йили икки томонлама товар айланмаси 217,7 миллион АҚШ долларини ташкил этгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири

Спорт

Нурилла — Гран-при соҳиби

Францияда кураш бўйича ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти биринчи халқаро Гран-при турнири ниҳоясига етди.

Мусобақанинг сўнгги кунида оғир вазнли полвонимиз Нурилла Абдуллаев мутлоқ чемпион номини қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида терма жамоамиз биринчи ўринни эгаллаган бўлса, мезбонлар иккинчи, Украина ва Испания терма жамоалари учинчи поғонани банд этишди.

Зидан, футболга қайт!

Бекхэмнинг янги жамоаси Зиданни футболга қайтишга ундамоқда.

Америка футбол лигасининг «Лос-Анжелес Гэлакси» клуби айни пайтда Франция терма жамоасининг собиқ сардори Зайниддин Зидан билан ушбу масалада музокаралар олиб бормоқда. «Гэлакси» жамоаси унга Дэвид Бекхэм қанча олаётган бўлса шу миқдордаги маблағни таклиф этди. Яъни, йилига 35 миллион евро.

Эслатиб ўтамиз, Зидан 2006 йилги жаҳон чемпионатидан сўнг футболдаги фаолияти якунланганлигини эълон қилганди. Клубнинг Зидан билан ўтказган апрелдаги музокаралари муваффақиятсиз тугаган. Афсонавий футболчининг ўзи эса спортга қайтиш истагини билдирмаяпти.



Туйғу

ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОР

Тонг отмоқда... Ғира-шира ёруғда майсаларни тебратаётган эпкин, мусаффо, салқин ҳаво тонгги ҳисларни қўзғаб, бошланаётган янги кун сари чорлайди. Алвонранг гулларга қўнган шудринглар марварид шодаларидек ялтираб дилда ажиб туйғуларни уйғотади.

Мунаввар тонг гулгун чеҳрасини намоён этгач фараҳбахш кун бошланади. Зангор тоғлар ортидан заминимизни ўз нурларига чўлғаб қуёш самога бўй чўзади. Шунда майсалар, чаман бўлиб очилиб ётган гулу райҳонлар устидаги биллур шудринглар қуёш нурларининг меҳру муҳаббати, қайноқ эркалашларига дош беролмай, ҳавога ва ерга пар мисол, дур мисол тўкилади. Ер, тупроқ, майса ва дарахтлар, қуёш нурларидан баҳраманд бўлмоқ эвазига ҳаёт чашмасида қайнайди. Ана шу лаҳзаларда меваларга шарбат ва ранг инади, боларилар бол йиғади, булбуллар гулга, кўнгил муҳаббатга интилади. Юраклардаги жўшқин куч-ғайрат, эътиқод ва қатъият зўр шижоатга айланади. Инсон қуёшнинг, заминнинг, борлиқнинг меҳру муҳаббати ила янада гўзаллашиб, юксакликка интилаверади. Унинг кўксидаги гўзал туйғулар, орзу ва интилишлар шу қадрдон маскани, киндик қони тўкилган гўшасида палак отаверади. Юксалиш туйғулари Ватан деган мустаҳкам пойдевор ила инсон қалбини ўз қадрдон замини ила боғлаб бораверади.

Ҳа, бундай гўшада, юрт деган гўзал масканда кечаётган ҳаёт шундай бетакрор ва гўзал, тотли ва фароғатлидир. Чунки Ватансиз яшамоқ файзсиз ва мазмунсиз, беқадр ва маънисиздир. Оллоҳга минг ҳамду санолар бўлсинки, фақат она Ватандагина кечган умрнинг лаҳзалари, қадр-қимматини тотмоқ, завқ олмоқ Ватанга буюк эътиқод ва иймон самараси.

Ватанда кечаётган умрнинг ҳар бир лаҳзасини кўнгил боғига мисоли кўчат қилиб ўтқазамиз. Бу меҳр ва садоқат, иймон ва эътиқод кўчатларидир. Бу Ватанга муҳаббатимизнинг, садоқатимизнинг, саодатимизнинг кўчатларидир. Зотан, Ватан қалбда бетакрор ва улуғ, мўътабар ва ёруғ. Уни фақат юртдан олис кетганда эмас, балки унда кечган ҳар лаҳзада ҳис этмоқ, унинг мусаффо ҳаволари-ю сермавж наволарини, бўлиқ тупроқлари-ю мовий осмонини ҳар лаҳзада соғинмоқ, авайлаб-асрамоқ, яшнатмоқ улуғ шарафдир. Юракда бир тўлғонишни, бир уйғонишни, тотли хонишни ҳис қиламиз, бу туйғу Ватанни соғиниш, Ватанга талпиниш, Ватанни севиш туйғусидир.

Бу туйғу ҳар недан улуғ ва ҳар недан қутлуғдир...

Бу туйғу гўзал ва бетакрордир.

Марям АҲМЕДОВА

ЭЛ СОҒЛИҒИ ЙЎЛИДА

Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самараси ўлароқ, республикамизда замонавий шифохоналар, поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Ушбу тиббиёт масканларида фаолият олиб бораётган шифокорлар халқимиз саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилишяпти.

Жиззах шаҳридаги 2-оилавий поликлиника "Экосан" жамғармаси томонидан эълон қилинган танловнинг "Энг яхши поликлиника" номинацияси бўйича ғолиб деб топилиб, бир ярим миллион сўмлик тиббиёт жиҳозлари билан тақдирланди. Натижада поликлиникада даволанувчилар учун қулай шароитлар яратилиб, сифатли хизмат кўрсатила бошланди.

Поликлиника бош шифокори Қаршигул Ҳайдарованинг айтишича, шифо маскани ҳудудда жойлашган 6 та маҳалладаги 20 минг нафардан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатади. Уларнинг салкам 8 минги болалар, 4 минг 300 нафарга яқини туғиш ёшидаги аёллардир. Бу эса, поликлиника ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди, албатта. Буни яхши англаб етган 20 нафар шифокор ва 47 нафар ҳамшира ҳар бир фуқаронинг саломатлигини доимий назорат қилиб боришмоқада.

Шаҳардаги 1- ва 3-оилавий поликлиникалар шифокорлари ҳам эл саломатлиги йўлида бор билим ва тажрибаларини ишга солишяпти. Яқинда 1-оилавий поликлиника учун тўрт қаватли замонавий бинонинг қуриб фойдаланишга топширилиши сифатли тиббий хизмат кўрсатишда муҳим омил бўлди.

И.ХУДОЙҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири

BMW ТАРИХИДАН

Ҳозирда жаҳондаги йирик автомобилсозлик компаниялари орасида Германиянинг BMW компанияси жуда машҳур. Сўнгги ўн йилликда кўплаб моделлар яратиб, дунёдаги энг йирик автомобиль бирлашмасига айланган BMW ўзининг автомобиль русумларини тубдан ислоҳ қилиб, жуда катта муваффақиятга эришди.

1913 йили Германиянинг самолёт ишлаб чиқарувчи компанияси инженери Карл Фредрик Рапп "Rapp Motoren Werke" компаниясига асос солади. Бу компания самолёт двигателларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди. Биринчи жаҳон уруши самолёт двигателларига талабни ошириб юборади. Карл Рапп ва унинг рақобатдоши Густав Оттонинг заводларига кўплаб буюртмалар тушади. Улар бошқа рақобатчиларни енгиш мақсадида иккала компанияни бирлаштиришга қарор қилишади. Самолёт двигателлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бу қўшма завод 1917 йили "Bayerisch Motoren Werke" (Бавария мотор заводи) номи билан рўйхатдан ўтади ва дунёга BMW номи билан машҳур бўлади. Шу йили "Daimler" заводи ишчиси Макс Фриз бошчилигида "BMW III" самолёт двигатели тайёрланади. 1917 йил сентябрь ойида ушбу двигатель ўрнатилган самолёт 9760 метрга кўтарилиб, жаҳон рекордини ўрнатади.

Биринчи жаҳон урушидан кейин BMW автомобиль ва мотоцикл ишлаб чиқаришга эътибор қаратади. Биринчи BMW мотоцикли – "R-32" 8,5 от кучига эга бўлиб, тезлиги соатига 59 километр эди. 1928 йил компания "Dixi" автомобилларини сотувга чиқаради. Бу машина АҚШнинг "Bantom" ва Япониянинг "Dotsun" моделлари каби машҳур бўлиб кетади. Орадан бир йил ўтиб, "Dixi"нинг мукаммаллашган модели – "DA-2" яратилади. 1930 йили "Dixi"нинг автопойгада ғалаба қозониши BMW машиналарининг оммалашувига омил бўлади.

Иккинчи жаҳон уруши, бошқа компаниялар сингари, BMW фаолиятини ҳам бутунлай издан чиқаради. Уруш тугаган пайтда компания деярли хароб аҳволда эди. Ўтган асрнинг 50-йилларида ҳали ўзини тиклаб улгурмаган компания янгича кўриниш ва юқори тезликка эга енгил автомобиллар ишлаб чиқара бошлайди. 1951 йили ишлаб чиқарилган тўрт эшикли "BMW-501" дунё бозорида компания обрўсини тиклади. Маълум бир русумлар остида чиққан "BMW-1500", "BMW 1800 Ti", "BMW-2000" ва "BMW-2500" каби моделлар автомобиль ишқибозлари эътирофига сазовор бўлди.

Ҳозирги вақтда BMW компанияси Германиянинг бешта машинасозлик заводи ва дунёдаги йигирмага яқин қўшма корхоналарни ўз ичига қамраб олган. Унинг машиналари ибрат бўларли даражадаги сифат, қулайлик ва юқори техникавий хавфсизликка эга.

Шуҳрат ЗОКИРОВ
тайёрлади



1 август куни республикамиздаги барча олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтди – минглаб илмга чанқоқ, зукко ёшлар ўз билимларини имтихондан ўтказдилар. Бу йил 345 минг 200 нафар йигит-қиз катта орзу-умидлар билан олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун тест синовларини топширишди. Уларнинг 63769 нафари олий таълим муассасаларининг талабаси бўлишдек имкониятга эга. Бу кўтаринки руҳда бўлиб ўтган тест синовларида бир ўринга олти нафар абитуриент курашди, демакдир. Албатта, ўз мустақил фикрига эга, ҳар томонлама кучли, билимдон ёшлар ўзлари танлаган йўналиш бўйича нуфузли олий ўқув юртлари талабалари бўлишади. Тўрт йил давомида ўқиб-ўрганиб, етук мутахассис бўлиб етишадилар. Бу эса, мустақил юртимиз келажаги, истиқболи учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Назар ЭШОҚҚУЛ — XX аср ўзбек ҳикояси

ОЗОД ҚУШЛАР

– Марҳамат!

Аёл сенга уй дафтарини келтириб берди. Ҳужжатда ҳамма нарса жойида эди; уй аёлга тегишли эканлиги тўғрисида кичкина изоҳ билан салобатли муҳр бор эди. Сен нариги хонага ўтиб, ҳужжатлар ётган жавондан ўз номингдаги уй дафтарингни ахтара бошладинг. Орқангдан ҳайрон бўлиб қараб турган аёлга эътибор бермай, ҳамма нарсани худди ақлдан озгандек ҳар ёққа сочиб ташладинг. Ниҳоят, эскириб, варақлари кўчиб кетган уй дафтарини топгач, қувончдан бақириб юбординг:

– Мана, мана бу ерда уй менга тегишли эканлигини билдирувчи муҳр бор.

Аёл ҳайрон бўлиб, сен узатган дафтарни варақлай бошлади. Сўнг сенга қараб, бурнини жийирди-да, яна қайтариб берди ва димоғи аралаш мазах билан кулиб қўйди. Ҳеч нарсага тушунмай, бир унга, бир дафтарга шошиб қараганча варақлай бошладинг. Уй сеники эканлиги тўғрисидаги тегишли муассасалар чиқарган қарор ёзилган варақ бўмбўш эди. Сен батамом довдираб қолдинг ва аёл ўзингга энди янада кўпроқ шубҳа билан қараётганини кўргач, ҳар оқшом ўтириб газета ўқийдиган дераза олдидаги эски оромкурсига ўзингни беҳол ташладинг. Сени буткул гумонлар чулғаб олган эди. Нажот излаб бутун уйни кўздан кечирдинг. Нимадир эсингга тушиб, чўнтакларингни тита кетдинг ва қип-қизил жилдли паспортингни топгач, ирғиб туриб, аёлнинг кўз олдига бориб варақлашга тушдинг.

– Мана бу ерда ёзилган... мана бу ерда... – дея ҳансираб бақирдинг. Бироқ бирдан даминг ичингга тушиб тўхтаб қолдинг, иш жойингда маош бераётганда кекса, инжиқ кассир юз марталаб синчиклаб текширадиган «Яшаш жойи» деган варақда иккита узун чизиқдан бошқа ҳеч қандек белги йўқ эди.

Сен яна оромкурсига чўкканча бошларингни чангаллаб узоқ ўтирдинг ва шунда яна мен туш кўраётган бўлсам керак, деб ўйлай бошладинг. Аёл эса тепангда сенга ҳамон шубҳа ва ажабланиш билан тикилиб турар эди. Ким билади, у шу дақиқаларда сен тўғрингда нималарни ўйлади экан. Балким, биронта учига чиққан қаллоб деб ўйлагандир; балким ўзи айтгандек муттаҳам ўғри деб ўйлагандир, балким, кўчада юрадиган биронта шилқим деб ўйлагандир; балким, уйига сурбетлик билан кириб олган боскинчи, деб ўйлагандир; Ҳарқалай, унинг кўзлари сенга хавфсираб тикилиб турарди. Агар бу туш бўлса, сен ҳеч қачон бунчалик узоқ туш кўрмагандинг. Ҳар қандек хатарга юрагинг дош бермай уйғониб кетган бўлардинг. Лекин сен уйғонмасдинг. Қачон уйғонишинг ҳам номаълум эди. Балким, сен уйғонгунча оёғинг остига яна бир аср йиқилар, балким, сен асрнинг устига йиқилиб тушарсан. Балки, сени уйғотишга менинг бу мадорсиз ва кучсиз сўзларимнинг қудрати етишмас. Балким бу сўзлар сени уйғотиш ўрнига, сени кўпроқ ғафлат чоҳига қараб етаклар? Тушмиди бу? Агар туш бўлса, қачон уйғонардинг? Буни мен ҳам билмасдим, буни сен ҳам билмасдинг. Қачон уйғонасан сен?! Бу рўё салтанатини кўз олдингдан қачон супуриб ташлайсан? Бу салтанат сени тобора ўзига тобе қилиб, муте қилиб борарди. Сен оромкурсисига чўкканча ожиз қиёфада ўтирардинг.

– Балким, уй хўжалиги бўлимига бориб учрашиб кўрармиз, – дединг сен ниҳоят аёлга умид билан тикилиб. Аёл сенинг кўзларингдаги илтижони кўриб, раҳми келди, шекилли, елка қисди.

– Марҳамат, менга барибир.

У ўзига ишонар, шунинг учун ҳам сен билан дунёнинг нариги бурчагига ҳам ҳеч иккиланмай бирга бораверарди.

Сизлар изғирин ўйноқлаётган кўчага чиқдиларинг. Изғирин яна аёлнинг этагини ўйноқлай бошлади. Иккалаларинг ҳам гунг ва бир оғиз гаплашмай, жим кетиб борардиларинг. Сен шу дафъада ҳеч нарсага ишонгинг келмасди. Гўё буларнинг барчаси рўё эди. Бироқ сен айни пайт ухлаб ётмаганингни, уйғоқ эканлигингни ва қандекдир номаълум аёл билан бирга кетаётганлигингни англардинг. Сен бундек рўёни ҳатто тушларингда ҳам кўрмаган эдинг. Тушингга ҳамма нарса кирарди. Эҳтимол, бу аёлни ҳам қачонлардир тушингнинг кўчаларида кўргандирсан. Лекин сен отаонанг, бобокалонларинг яшаб ўтган уйни ўзиники қилиб олган ва яна ҳаммаси тушдагидек эмас, ўнгдагидек содир бўлган воқеани ҳеч қачон кўрмаган эдинг. Сен ўзингга ҳам ишонгинг келмасди. Балки, мен ҳеч қачон яшамагандирман? Бу уй ростдан ҳам аёлга тегишлидир ва мен тунги капалак каби бу уйга адашиб кириб қолгандирман, деган фикр дамо-дам хаёлингда чарх урарди, аёлга шубҳа ва илтижо билан тикилиб-тикилиб қўярдинг. Шунда бирдан шу кунларда газеталарда шов-шув бўлган бир воқеа эсингга тушганди. Шаҳардаги тарих музейида ёшгина ходимни бўғизлаб кетишганди. Газетадаги хабарларга кўра, ходим ўша куни кечга томон ишдан сўнг ўз хонасида ишлаб ўтирган эди. Сўнг тўсатдан бутун музей шовқин-сурон ва тўполон бўлиб кетган эди. Музей қоровули хонасидан югуриб чиқаман, деб пешонасини эшикка уриб олганди. Унинг эшиги қулфлаб ташланган эди. Шунда музейнинг кенг залида қандек шовқин бўлаётганини кўриш учун калит тирқишидан мўралаган ва ходимни найзаларининг учига илдириб чиқаётган қандекдир дубулғали кишиларни кўрган эди. Газетада қоровулнинг руҳий беморлар касалхонасида ётгани ёзилган эди. Музей ходимининг нимталаб ташланган жасади ёнидан еттинчи асрда ясалган қилич топиб олишган. Одамлар бу воқеани турлича изоҳлашарди. Кўплар бошқа сайёрадан тушган одамларнинг иши деб баҳолашарди. Кўплар эса мутлақо ишонмасди. Турли шарпалар касалхонада ҳам қоровулнинг кўзига кўриниб турибди, деб айтилган эди газеталарда. Сен бу хабарга мухбирваччаларнинг навбатдаги уйдирмаси, деб ишонмагандинг. Лекин ҳозир бирдан ишонгинг келиб қолганди ва аёлга бирон шарпа ёки бошқа сайёрадан тушган одам эмасмикан, деб гумон билан қарагандинг. Йўқ, у арвоҳ эмас эди ва бошқа сайёраликлигини билдирадиган ҳеч қандек аломати йўқ эди. У ўзингдан ҳам кўра табиийроқ, сўлимроқ, гўзалроқ эди ва ёнингда аёзли осмонни тантанавор кезиб юрган ҳилол каби мағрур ва мафтункор қиёфада кетиб борарди. Сенинг кўринишинг сувга бўктирилган кучукдек аянчли эди. Бутун вужудинг муқаррар мағлубиятдан қалт-қалт титрарди. Уй хўжалиги бўлимига сен деярли умид қилмасдинг, шундек бўлса ҳам таваккал қилиб кетиб борардинг. Аёл эса ўзини безовта қилганидан норозидек баъзи-баъзида минғирлаб қўярди.

Сенга ҳамиша уй ҳақини ўз вақтида тўла, деб пўписа қилиб юрадиган бўлим мудири сизларнинг гапларингизни ҳайрон бўлиб эшитди, сўнг қандекдир ҳужжатларни текшириб, сенга ғазаб билан тикилиб турди-да:

– Уй қурилгандан буён бу хонимга тегишли. Сен қаёқдан келиб қолдинг? – деди.

Сен индамай ташқарига йўл олдинг. Бошқача бўлиши мумкин эмаслигини ўзинг ҳам сезгандинг. Аёл билан биргаликда энди сеники бўлмаган уйга қайтдиларинг. Аёлнинг мезбонга ўхшаб қилаётган мулозаматидан энди ғашинг келмасди; аёлга индамай бўйсиниб борардинг.

– Агар хоҳласангиз, вақтинча қазноқдан жой қилиб беришимиз мумкин! – деди аёл уйга қайтиб кирганларингда, сенинг сўлиб қолганлигингдан раҳми келиб. – Совуғу, лекин начора, қиш ўтса, бирорта жой топиб оларсиз.

Сен рад этгандек бош силкитдинг. Оромкурсиси-да узоқ ўтирдинг. Деразаларга тун пардаси тортилгач, секин ўрнингдан туриб, ҳозирлана бошладинг.

– Кийимларимни олсам майлими? – сўрадинг аёлга тақдирингга тан бергандек.

– Қандек кийимлар?

Сен кийим жавонида териб қўйилган кийимларингга ишора қилдинг.

– Ахир улар эримнинг кийимлари-ку? – сал бўлмаса ҳайрон бўлиб бақирди аёл ва худди сен тортиб оладигандек жавоннинг олдини келишган қомати билан тўсиб олди.

Сен у билан тортишиб ўтирмадинг. Қуп-қуруқ, сўппайиб кетаётган қўлларингни сени вояга етказган дарчалар ва эшиклардан яшириш учун чўнтагингга тиқиб батамом тор-мор этилган қўшиндек таниш йўлак орқали уйдан секин чиқиб кетдинг...

...Бу, тушнинг охири эмас эди. Бу ибтидоси эди.

Бу тушни сен менга ўша совуқ изғиринли кунда гапириб бергандинг. Сенинг юзларинг умидсизлик ва ёлғизликдан гезариб кетганди. Сен бу тушни гапирар экансан, мен ўзимга ишонмай қолгандим. Бу тушни сен менга гапириб берганмидинг ё менинг ўзимми?! Сен шу пайтда изғиринли кўчада манзилсиз декдиб юргандирсан, аёз супургиси сени ҳам бу оқшом саҳнасидан батамом супуриб ташлаш учун синган туғнинг бир парчасидек аёвсиз тортқилар, ғазовот ўтида ёниб, учиб келаётган кўчманчи бадавий аскарнинг эгнидаги қора рўдаподек сени осмону фалак қўйнида тинмай ҳилпиратарди. Лекин бу тушни сен кўрдингми, менми, ҳануз билолмадим. Мен сени шундан кейин фақат бир марта учратдим. Сен Қ. майдонида ёввойи каптарларга дон сепиб ўтирардинг. Кўзларинг орзуманд порлаб турар, юзинг бахтдан яйраб кетганди. Мен сени кўпдан бери шу ҳолатда кўрмаган эдим. Каптарлар сен ҳар дон сепганингда ҳуркиб, гуриллаб ҳавога кўтарилар, сўнг ҳеч қандек хавф йўқлигини билгач, қайтиб ерга қўнишар ва кукулай-кукулай сен сепган донларни териб ейишарди. Сен эса уларга худди гўзал манзарани кўргандек қараб турардинг. Мен сенинг ёнингда турганча, сен бу каптарларга қараб нималарни ўйлаётганингни билгим келарди. Сен бу ватансиз қушларга қараб нималарни ўйлаган эдинг? Балким, сен уларнинг бежирим ва кескир қанотларига қараб, озод қушлар, ҳақида ўйлагандирсан? Балки, уларга боқиб ватан ҳақида ўйлагандирсан? Балки, туйғуларингни каптарларга айлантириб, узоқ-узоқларга учириб юбормоқчи бўлгандирсан? Балки, сен ҳеч нарса ҳақида ўйламагандирсан? Сен шунчаки кунни кеч қилиш учун ёки ўзингнинг уйсиз эканлигингни унутиш ва бирон лаҳмга ёки вақтгина бир бурчагига бориб тунаш ва вақт ўтиши учун қушларни шунчаки эрмак қилиб ўтиргандирсан? Ёки бу қушларга қараб, уйсиз фақат ўзинг эмаслигинг, оламда миллионлаб уйсиз ва ватансизлар борлиги тўғрисида ўйлаб, ўзингни овунтиргандирсан. Балким, сен қалбингни мана шу қушларгагина очгаддирсан? Мен сенинг ўша куни Қ. майдонида нималар ҳақида ўйлаганингни ҳалигача билолмадим. Кеч тушгач, ўрнингдан турдинг-да, қорни ёпиниб ухлаётган, деярли йўловчиси йўқ, ҳувиллаб ётган кўчага қараб, қоронғулик қаърига сингиб кетдинг. Мен сенинг изингдан қараб турар эканман, сенинг ростдан ҳам шу дафъа қушга ўхшашинг ҳақида ўйлагандим. Сен қор ўйноқлаётган кимсасиз кўчага қараб парвоз қилиб кетгандинг. Мен сендан ўша куни нималар ҳақида ўйлаганингни сўрай олмай қолгандим. Кейинчалик ҳам сенга бу саволни бера олмадим. Сен билан бошқа учрашмадик. Сенинг қушларга қараб нималарни ўйлаганингни ҳеч қачон била олмадим, бу менга армон бўлиб қолди. Сўрай десам, ўша куни сенинг каптарларинг ҳам қайлардир учиб кетган эди. Ўша куни Қ. майдонида кабутарларга дон сепиб, уларни орзуманд ва мастона кузатиб, юзида азоб ва изтироб акс этиб турган паришон йигит сенмидинг ёки менмидим? Балки, мен кабутарларга дон сепаётганда ва сўнг кимсасиз кўчага қоронғулик қўйнига сингиб кетганимда изимдан шафқат ва ачиниш билан қараб қолган сендирсан, каптарларнинг қанотларидан менинг орзуларимни ўқимоқчи бўлган ҳам ва кабутарларнинг кичкина, ҳушёр кўзларида ўқилиб турган ҳам балки сендирсан?

Шундан сўнг мен сен ҳақингда турли миш-мишлар эшита бошладим. Сени кимдир маст одамларга қўшилиб, ерости йўлларида тунаб юрганингни айтди. Кимдир эса, сени вокзалда ётиб юрибди, деди. Кейин эса иш жойинг ётоқхонасидан жой берди. Сен ҳақингда мен бошқа ҳеч нарса эшитмадим. Кимдир сени узоқ жойга қурилишга кетган, деди. Кимдир чўлга кетган, деди. Мен уларнинг гапига унчалик ишонмадим. Лекин сенинг биз яшаётган шаҳарни бир умр ташлаб кетганингни билардим ва ҳар кеча мўъжазгина уйимда тўшакка чўзилганча қандекдир бир мўъжиза юз беришини кутиб ётар эканман, гўё мўъжиза худди шу дақиқада юз берадигандек юрагим ширин лаззатдан ҳаприқиб кетарди, шунда беихтиёр сени ва ўша изғиринли кунни эслардим...

(Охири. Боши ўтган сонларда)

ADOLAT
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Шермат ШАМСИЕВ, Иқбол МИРЗО, Светлана ОРТИҚОВА, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Камол АЛЛАЁРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, (Бош муҳаррир ўринбосари), Исмоил САИФНАЗАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Собир ТУРСУНОВ,

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 136-53-14; факс – 133-40-86; котибият – 136-55-96; реклама бўлими – 133-41-89

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t – Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси – 100

Навбатчи – Б.ТОШНАЗАРОВ
Саҳифаловчи – З.БАКИРОВ

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г – 701. Ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади – 2851. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.20 2345